

Лола АЗИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

“ҲАЙРАТУ-Л-АБРОР” АСАРИДА АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАР

Алишер Навоий асарлари маърифат, апоклик, эзгулик чашмаси бўлиб, инсон руҳий оламининг маънавий юксалишида хизмат қилиб келмоқда. Беш асрдан ортиқ вақт ўтибдики, буюк шоир ижоди улкан мазмун-моҳият касб этиб, ҳали-ҳануз катта қизиқиш ва чуқур фалсафий мушоҳадалар асосида тадқиқ этилмоқда.

Бундан, Навоий даҳосига чуқур кириб бориш ва моҳиятини англаш имкони нақадар теран эканлигини кўриш мумкин. Ўз замонида қаламга олган ва кенг тараннум этган ахлоқий масалалар бугунги давр учун долзарблик, аҳамиятлилики касб этмоқда. Айниқса, асарларида илгари сурилган адолат, саҳийлик, қаноат, вафо, камтарлик, ҳаё, адаб, ростлик каби ахлоқий тушунчалар ва уларга қарама-қарши риё, тамаъ, кибр, адабсизлик каби иллатларнинг бадий ифодаси орқали буюк ижодкорнинг фалсафий мушоҳадаси, тафаккур олами нақадар юксаклигини билишимиз мумкин. Бу каби тушунчалар инсон олаmidан жамият, ижтимоий ҳаёт мезонига айланиб, бир бутун умр мазмуни сифатида яшаш гармониясини ташкил этади. Навоий қаламга олган инсоний жиҳатлар бугунги глобллашув даврида одамийликдан

сабоқ беради, тириклик моҳияти ва умр мазмунини англашга ўргатади.

“Ҳайрату-л-аброр” ўз моҳияти билан фалсафий, ахлоқий-дидактик асардир. Навоий инсоний фазилатлар таърифини асосан 20 мақолат ва унга илова сифатида келтирилган 20 ҳикоятда¹ алоҳида баён этади. Ҳар бир тушунчани алоҳида таърифлаб, шарҳлайди. Ижодкор ахлоқий масалаларнинг асосида иймон тушунчасини қўяди ва инсонийлик асоси бу иймонли бўлишдир, иймонли инсон эса, бу комил инсондир, дейди. Яъни:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур².

Дастлабки мақолатни ҳам иймон шарҳи билан бошлайди. Кимда, иймоннинг уч белгиси, яъни сабр, шукр ва ҳаё каби ахлоқий сифатлар бўлса, ундай инсонни ҳақиқий, етук инсон деб билгин дейди. Шунингдек, иймоннинг асосий олти шарти сифатида Ҳақнинг борлигига,

¹ Юсупова Д. “Ҳайрату-л-аброр” достонининг ғоявий бадий хусусиятлари. e-adabiyot.uz.

² Алишер Навоий. Ҳамса. Қискартириб нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов. – Т.: Янги аср авлоди, 2016, – Б 1860.

фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, қиёмат кунига ва тақдири азалга иймон келтиришни айтиб, булар инсонни олти томондан қўрғон каби ҳимоялаши ва нажотга бошлаши ҳамда одамийлик моҳияти ва умр мазмуни ҳам шулар асосига қурилганлигини фалсафий мушоҳадалар орқали изоҳлайди. Ижодкор ахлоқий қарашларини давом эттириб, 5-мақолотда карам ва саховатни, 6-мақолотда адабни, 7-мақолотда қаноат, 8-мақолотда вафо, 10-мақолотда ростгўйлик ва 11-мақолотда илми таърифлайди. Хусусан, карам ва саховат борасида қуйидагиларни ёзади:

Эйки санга Тенгри насиб этти жоҳ,
Берди карам қилмоқ учун дастгоҳ.

Яъни, агар сенга Аллоҳ мансаб, тахт, бойлик берган бўлса, билгинки, карам, саховат қилишинг учун имкон берибди, яъни сенга шу тахтни раво қўрди ва буни карам қилишинг учун бир восита деб бил, дейди ижодкор.

Навоий ўз қарашларини ижтимоий масалалар билан боғлиқ ҳолда талкин этади. Хусусан, одамлар қўриши учун яхшилик, саховат қилма, балки эзгулик, инсонийлик нуқтаи назардан хайр қилгин, дейди ва бу йўлда риёкорликни қоралайди. Яъни, риё учун тўқ одамга карам, саховат қўлини чўзма, балки йўқсилга, муҳтожга яхшилик қил. Агар тўқ одамга эҳсон қўлини чўзсанг, бу саховат эмас, балки риёдир:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

Ижодкор бу борадаги фикрларини давом эттириб, шундай ёзади:

Анда карамдурки талаб билмагай,
Кимда дирам билса тамаъ қилмагай.

Карам шундай фазилатки, у таъмасиз бўлиши керак. Яъни дирам (пул бирлиги)и кўп

инсон, таъмасиз, ҳеч қандай манфаатсиз саховат, карам қўлини чўзади. Сўнгра Ҳотами Тойи ҳикоятини келтириб, карам, саховат ҳақидаги фикрларини мисоллар орқали изоҳлайди.

Олтинчи мақолотда ҳаё, камтарлик ва тавозели бўлиш ҳақида фикр юритилади. Ижодкор, тавозе, камтарлик, ҳаёни адабнинг асосий белгилари сифатида баҳолайди. Яъни тавозели кишида одоб, ахлоқ бўлади. Хусусан:

Лек бу йўл қатъида шарти талаб,
Билки тавозуъ била келмиш адаб.

Бу каби инсоний фазилатларни фалсафий фикрлар асосида изоҳлаб, инсонга мансаб, тахт, бойлик ва насаби шараф келтирмади, балки ҳаё, тавозе ва камтарлик улуғлик, шараф келтирди, дейди буюк шоир:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Адабнинг юксак намунаси сифатида ота-онага яхшилик қилиш, улар ҳаққини адо этишдир. Уларнинг хизматини тенг билгин ва сўзсиз хизматларига тайёр тур:

Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.

Агар икки жаҳон яхшилигини тиласанг, уларнинг розилигини олишга ҳиммат этгин:

Икки жаҳонингга тиларсен фазо –
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Шунингдек, инсоний фазилатлар сифатида катталарга ҳурмат кўрсатиб, уларга хизмат қилиш, кичикларга эса, шафқатда бўлиш каби жиҳатлар ҳам улуғланади:

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Инсонларга нисбатан шафқатли бўлиш ҳам улугъ фазилатлардан ҳисобланади. Чунки шафқатли инсонда эзгу фазилатлар мужассам бўлади.

Қаноат бобида ҳам фалсафий фикрлар илгари сурилади. Навоий фикрича, кимки ўзига қаноатни касб қилган бўлса, у энг бой инсондир. Ҳақиқий бойлик олтин, кумушли бўлишда эмас, балки қаноатли бўлишдадир. Ижодкор фикрларини давом эттириб, Аллоҳ берган нарсаларга қаноат қилган инсон ҳам саховатли инсондир, чунки қаноатли инсонда итоаткорлик бўлади, ҳар бир қийинчиликка сабр қилади ва оқибат матонат билан яхшиликка етади. Яъни:

Ҳар неки Ҳақ берса қаноат қилур,
Ҳам неки амр этмиш итоат қилур.

Кўринадики, бориға қаноатли бўлиш ва берган неъматига шукр қилиш ҳам инсонийлик фазилатларидан биридир. Қаноатли инсон ҳамиша бойдир, чунки унда қаноатдек улугъ фазилат бор:

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғани.

Қаноатнинг акси сифатида тамаъни қоралайди. Тамаъ гадолар ишидир, тамаъ қилдингми, билки, гадоодурсан:

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадоодур тамаъ этган киши.

Кимки қаноатни ҳаётининг асоси, умрининг шиори деб билса, эл ичра ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, қаноатли бўлмасанг, сабрсизлик билан одамлар қўлига боқиб, нимадир илинжида яшасанг, яъни тамаъни шиор қилсанг, эл ичра хор бўласан, дейди шоир:

Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул тамаъ эл ичра хор

Навоий, ростлик боби таърифида, ростлик – инсонни шарафловчи ахлоқий фазилат, имон-эътиқод асоси, дейди. Ростгўй одам жасур, маънавий соғлом, осойишта ва хотиржам бўлади. Ижодкор бу хислатни одамнинг ички олами, тарбиясига боғлаб тушунтиради. Чунки асл моҳияти, нияти тўғри бўлган одам ҳар ерда, ҳар қандай шароитда тўғрилиқ тарафида туриб, уни ҳимоя қилади. Яъни:

Ростдур ул ким, назари тўғридур...

Бу билан, дунёга, одамларга, ҳаётга тўғри назар билан қарайдиган, муносабати, муомаласи ҳам тўғри одамни рост йўлдан юрадиган одам дейиш мумкин.

Навоий давлат ва жамият барқарорлиги ростлик, тўғрилиқ, адолат устига қурилишини айтар экан, бунинг акси бўлган ёлғончилик бўлган жойда емирилиш, ахлоқий нопоклик юзага келади, дейди. Шу боис улугъ мутафаккир ростликнинг қадри, аҳамиятини кўрсатиш учун ёлғоннинг фалокат келтирувчи оқибатларини ҳам тасвирлаб ўтади. Чунончи:

Кимки бу давронда қилур ростлик,
Йўктур иши ғайри каму костлик.

Ростгўй одамгина қаллоблик, макру ҳийла каби иллатларга қарши курашади, ўзини ҳам тозалаб, юксалиб боради. Шу маънода ростлик маънавий камолотни белгилувчи асосий сифатдир. Ростликка муҳаббат илмга, олимларга, яхши инсонларга меҳру муҳаббатни келтириб чиқаради ва охир-оқибат эзгу ишларга етаклайди. Ёлғончилик эса аксинча, макр, ҳийла, кўз бўямачилик, лаганбардорлик каби қатор нуқсонларни келтиради. Бу нуқсонлар фақат ўзигагина эмас, балки бошқаларга ҳам зарар келтиради, натижада, жамият мувозанатини издан чиқаради³.

³ Комилов Н. Ажрим қилувчи кўзгу ёхуд рост билан ёлғон можароси. Қўлёзма материал.

Ижодкор, инсоний фазилатларни ташбеҳу тамсиллар орқали тасвирлар экан, китобхон дунёсида буюк шоирнинг маънавий олами, теран мушоҳадаси ва сўз сеҳрининг кучи нақадар чексизлиги гавдаланади. Буни ҳар бир ахлоқий тушунчалар таърифида кўриш, англаш мумкин. Чунончи, ўн биринчи мақолатда илм боби таърифида мисолларни сўзнинг бетакрор жозибасидан фойдаланган ҳолда тавсиф этади. Илм шундай хазинаки, у эгасини юксалтиради, шарафлайди. Ижодкор, илмни яхшилик, эзгулик қилиш учун сарфлаш тарафдори. Олим илм йўлида қатъий туриб, илмига амал қилса, дунёга берилмасдан, ҳалол, покиза яшаса, бундай одамни инсонларнинг шарафи, гавҳари бил, дейди. Аммо олим дунёга берилиб, мансаб, мартаба учун пасткашлик қилса, уни билимсиз деб билгин, бундай инсонни олим эмас, балки жоҳил ҳисоблагин:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар...

Бундан кўринадики, ижодкор, амал қилинган илмни ҳақиқий илм деб билади. Ҳақиқий олимни конга, юзини гавҳарга ва ҳар тарафи юлдузлар билан ўралган осмонга қиёслайди. Олим хазинаси тўла дур, юзи илмдан нурли, қалби осмон каби кенг, борлиғи мисоли юлдузлар каби ҳаммага баробар зиё, поклик таратади. Уни шараф гавҳарининг кони деб билгин, гавҳар ҳам, кон ҳам унга тегишлидир:

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.

Асарда олимларга, илм аҳлига берилган таъриф бугунги кун учун ҳам долзарблик касб этади. Айниқса, илмига амал қилмаслик, илмни мансаб эгаллаш, бойлик орттириш воситасига айлантириш жамият маънавий таназзулига сабаб бўлади. Бундан, илмни манфаат, мансаб илинжида эгаллайдиган олимлар ҳамма даврларда бўлганлигини англаш мумкин.

Зеро, Навоий бундай олимларни жоҳиллар қаторига қўшади. Яъни илми бору, амали йўқ, насихати бору, аммо инсонларга озорли. Буюк ижодкор, илму амал йўлида камтаринлик ила ўзига қарата,

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил⁴.

Эй Навоий, билки, илм сенинг мақсадингдир. Илмни йиққан экансан, энди унга амал қилгин дейди.

Навоий илгари сурган ахлоқий масалалар бугунги кун учун ижтимоий аҳамиятга эга. Чунончи, асарда келтирилган тушунчалар таҳлили орқали инсон жамиятда қандай яшаши кераклиги, тириклик мазмун-моҳияти нимадан иборат эканлиги ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадани англаб этади. Ижодкор ахлоқий сифатлар таърифи орқали комил инсон сийрату суратини берган ва инсонларда ҳам комиллик сифатларини кўришни истаган. Буни фалсафийдидактик асарларида илгари сурган ғоялар орқали билиш мумкин. Буюк ижодкор кичик олам бўлган инсон маънавий поклиги орқали жамиятни ахлоқий етуклик устига қурилишини орзу қилган.

Умуман олганда, юқорида таҳлил этилган инсоний тушунчалар орқали даҳо шоирнинг қалб оламини англаш баробарида инсонийлик, эзгулик, ахлоқий поклик, маънавий етукликка бўлган чорлов, эзгу даъватни кўриш мумкин. Бугунги кунда ҳам жамият маънавий тараққиёти учун ушбу ахлоқий тушунчаларни истеъфода этиш ҳар жиҳатдан долзарблик касб этади.

⁴ Алишер Навоий. 10 жилдлик асарлар тўплами. Электрон вариантда. – Б. 132